

Сув оқова шаҳар

СИҚИЛГАН ГАЗ СОТИШ УЧУН ШАРТНОМА

№ 08

"05" "01" 202\_\_ йил

Термиз шаҳри

"ATLANTIS OYL TERMEZ" хусусий корхонаси, кейинги ўринларда "сотувчи" деб аталади, раҳбари Н.Тожиев орқали бир тарафдан ва \_\_\_\_\_ асосида фаолият олиб боровчи \_\_\_\_\_,

(корхона номи)

бундан кейин "сотиб оловчи" деб аталади, \_\_\_\_\_

(раҳбарининг Ф.И.О)

орқали иккинчи тарафдан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздик.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ:

1. "Сотувчи" қуйидаги маҳсулотни иш вақти давомида сотиш мажбуриятини, "Сотиб оловчи" сотиб олиш ва ўз вақтида тўлаш ва қабул қилиш мажбуриятини олади.

Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Жами 1 йилга (чоракга) маҳсулот миқдори	Газ нархи ҚҚС билан	Шу жумладан йил чораклари бўйича			
				I	II	III	IV
Сиқилган газ	М3	16248					

2. "Сотувчи"нинг автомашинасига газ қуйиш шаҳобчаси (АГТҚШ) орқали қуйиш йўли билан амалга оширилади.

3. "Сотиб оловчи" автомашинага газ қуйилган сана, газ маҳсулоти етказиш санаси ҳисобланади.

II. ТЎЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ:

2.1. Мазкур шартнома тузилган вақтдаги умумий баҳоси 40620000 сўмни ҚҚС билан ташкил этади.

2.2. "Сотиб оловчи" томонидан "Сотувчи"га шартнома баҳосини тўлаш, сотувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади. Хом ашё материал, ёқилғи энергетик ресурслар нархи ўзгарганда, шунингдек Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчилик, норматив ҳужжатлар, қарорлар ва биржадаги нарх ўзгаришига қараб шартноманинг 2.1.-бандида келишилган сўмма ўзгаради.

2.3. Газ маҳсулоти учун тўлов олинган кундаги нарх билан амалга оширилади.

2.4. Газ маҳсулоти "Сотиб оловчи"нинг ишончномаси орқали тарқатиш варақаси асосида берилади.

2.5. Маҳсулот таъминоти учун тўлов "Сотиб оловчи" томонидан ҳисоб рақамига 100% пул маблағи тўлови ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

3.1. "Сотиб олувчи" газга қайта жихозланган автомашинадан фойдаланиш давомида, техника хавфсизлиги ва техник ҳолат учун тўлиқ жавобгарлик мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. "Сотиб олувчи"нинг мажбуриятлари:

- амалдаги қоидаларга ва техник ҳолатга, табиий газдан фойдаланиш масалалари бўйича йўриқномага тўлиқ амал қилиш;

- автомашинанинг газ баллон ускунасини соз ҳолатда сақлаш;

- газ баллоннинг геометрик ҳажми ва техник ҳолати тўғрисида йўл варақасига белги қўйиш:

- белгиланган тартибда автомашинага газ қўйиш учун махсус рухсатнома олиш;

3.3. "Сотувчи"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

- автомашинанинг газ мосламаларини тўғри эксплуатация қилинаётганлигини назорат қилиш. Ўлчов асбоблари созлигини текшириш;

- хайдовчининг табиий газда ишлашга ҳуқуқи борлиги ҳақидаги гувоҳномасини текшириш:

3.3. "Сотиб олувчи" белгиланган қоидаларга, газ қўйиш Регламентига ва шартнома шартларига риоя этилмаслик ҳолати аниқланганда, газ маҳсулоти етказиб беришни тўхтатиш.

3.4. "Сотувчи" ва "Сотиб олувчи" газ ҳажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиши ва қабул қилиши шарт, "Сотиб олувчи" газ маҳсулоти истеъмоли давомида юзага келадиган келгуси ўзгаришлар ҳақида йил чораги бошланишидан 15 кун олдин "Сотувчи"га ёзма равишда хабар қилиши лозим. "Сотувчи" АГТКШ даги ускуналарнинг навбатдаги жорий тузатиш ва таъмирлаш ишларини 15 кун олдин "Сотиб олувчи"га ёзма равишда маълум қилади.

#### IV. ГАЗ МАҲСУЛОТИНИНГ ҲИСОБИ :

4.1. "Сотиб олувчи"га берилган газ маҳсулотининг миқдори Тарқатиш варақаси (қайдномаси) бўйича аниқланади.

4.2. "Сотиб олувчи" берилган сиқилган газ маҳсулотининг миқдори давлат стандарти томонидан 13.01.1995 йилда (№ 418) тасдиқланган "АГТКШда юборилган газ ҳажмини ўлчаш ва унинг ҳисоб китоби бўйича қўлланма (РД Уз.5103494) асосида "Ўзбекнефтгаз" миллий компанияси томонидан 28.11.1995 йилда тасдиқланган АГТКШда истеъмолчиларга тарқатилган газ ҳажмини аниқлаш жадвалига мувофиқ "Сотувчи"нинг ўлчов асбоблари орқали аниқланади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ:

5.1. "Сотувчи" шартномада белгиланган ҳажмдаги газ маҳсулотидан кўпроқ миқдорда олган ёки олмоқчи бўлган тақдирда, томонлар ўртасида қўшимча шартнома тузилади.

5.2. "Сотувчи" шартномада белгиланган газ маҳсулоти билан "Сотиб олувчи"ни ўз вақтида таъминлай олмаса, қуйидаги ҳолатларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди ва жавобгарликдан озод этилади:

- газ қувўрлари, газ ва электр тармоқларида содир бўлган авария ҳолатларида;

- ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда газ ва электр тармоқлари таъмирлаш учун тўхтатилганда;

- ёнгин, zilzila; сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар юз берганда;

5.3. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилиши бўйича томонлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан жавобгардир.

#### VI. ФОРС МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ:

6.1. Тарафлардан бири шартноманинг энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулдда муайян шароитда олиб бўлмайдиган вазиятлар (табiiй офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув оранлари қарорлари ва бошқалар) да бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди.

6.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса, томонлар Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ва бошқа амалдаги қонунчилиги талаблари бўйича жавобгар ҳисобланади.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БОШҚА ШАРТЛАРИ:

7.1. Томонлар шартномани имзолаган (бюджет муассасалари учун Ғазначилик бошқарма (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг) ва муҳри билан тасдиқланган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва 202\_\_ йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга ва бир нусхадан тарафларда сақланади.





7.3. Шартномада келишилган масалалар бўйича юзага келган низолар тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этилади.

7.4. Низолар тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган ҳолларда юзага келган низо тегишли туманларо иқтисодий судида ҳал этилади.

7.5. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат шартнома тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланган (бюджет муассасалари учун Ғазначилик бошқарма (бўлими)да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг) ва муҳри билан тасдиқланган сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Мазкур шартномани бир томонлама тарафлар бир-бирини ёзма равишда оғохлантирган ҳолда бекор қилишга "Сотиб олувчи" томонидан тўловни амалга ошириш тартибига риоя этилмаганда ёки "Сотувчи" томонидан газ маҳсулотини етказиб бериш тартиблари бузилганда асос бўлади.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ:

"Сотувчи":	"Сотиб олувчи":
<p>"ATLANTIS OYL TERMEZ" хусусий корхонаси Манзили: Термиз шаҳри, "Эски шаҳар" маҳалласи, Айритом кўчаси, 101-уй Банк реквизитлари: ОАТБ "Халк банк" Музработ туман филиали МФО: 00752, СТИР: 301134393 ОКОНХ: _____ х/р: 20208000204768746001 Рахбар:  Н.Тожиёв</p> 	<p> "Сурхондарё сув таъминоти" МЧЖ Термиз шаҳар Т.Мирзаев кўчаси, 124А-уй Х/р: 20208000 604485720001 АТИБ "Ипотекабанк" Сурхондарё филиали МФО: 00356, ИНН: 206310371 Тел: (78) 770-80-30, (78) 770-80-31 Директор: _____ Рахбар: </p> 